



Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ СУД ҲИМОЯСИДА

Амалий қўлланма



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ СУД ҲИМОЯСИДА

Амалий қўлланма

Тошкент – 2022

УЎК 346.26(575.1)
КБК 65,9(5Ў)09

М.Қаландарова, С.Холбаев. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши “Тадбиркорлар ҳуқуқи суд ҳимоясида”. Амалий қўлланма. – Тошкент. “Ijod nashr” нашриёти. 2022. – 136 б.

Х.Ёдгоровнинг умумий таҳрири остида

Ушбу амалий қўлланмада тадбиркорларнинг республикамиздаги иқтисодий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш, ишларни кўришда иштирок этиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, судларга мурожаат қилишда, ўзаро ва давлат органлари ўртасида юзага келган низоларни қонуний ҳал этишда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар, судларда улар учун яратилган қулайликлар, ҳуқуқий имкониятлар, тартиб-қоидалар ҳамда бошқа шу каби фойдали маълумотлар оддий тилда, имкон қадар қисқа ва лўнда баён қилинган, ундаги тушунтиришлар ва шарҳлар турли жадваллар, инфографикалар ва мисоллар орқали ёритилган, зарур ҳужжатларнинг намуналари келтирилган.

Амалий қўлланма судларга мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектлари, уларнинг вакиллари, адвокатлар ҳамда юриспруденцияга қизиқувчи бошқа шахслар учун мўлжалланган.

Муаллифлар:

М.Қаландарова, *ю.ф.н., доцент*
(3, 4-боблар)

С.Холбаев, *ю.ф.н., доцент*
(Қириш, 1, 2-боблар)

Ушбу амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби кенгаши мажлисининг 2022 йил 16 сентябрдаги 14-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8255-8-1

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши



*Янги Ўзбекистон:
ҳамма учун адолатни
сўзсиз таъминлаш им-
кониятини берадиган
ҳамда фуқаролари иж-
тимоий мавқеидан
қатъи назар, қонун ол-
дида тенг бўлган, тад-
биркорликнинг ривож-
ланиши учун зарур
шароитлар яратилган
давлатдир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда миллий давлатчилик асослари тобора шаклланиб ва мустаҳкамланиб, ҳаётнинг турли жабҳаларида, жумладан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда туб ўзгаришлар амалга ошири- лаётган ва аниқ белгиланган стратегик тараққиётнинг янги босқичига ўтилаётган бугунги ўйғониш даврида ҳар томонлама кучли бўлган ҳақиқий мулк эгалари синфини шакллантириш, тадбиркорликни қўллаб-қув- ватлаш, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркор- лик субъектларининг самарали фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратиш, уларни ижтимоий ва иқти- содий ҳаётдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртимиз тарихи, истиқлол йиллари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти, ишбилармон- лик муҳити қанчалик мукаммал тарзда ривожланса, жа- мият тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги ҳам шунча- лик тез юксала бошлайди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси дав- лат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағи- шланган тантанали маросимда шундай деган эди: “Дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади. Умуман айтганда, биз кураётган Янги Ўзбе-

кистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари қўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка ҳалақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади”.

Дарҳақиқат, мулкдорлар ва тадбиркорлик субъектларининг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш, бузилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилаётган ҳар бир қонунбузарлик ҳолатларига қатъий чек қўйиш, аниқланган ғов ва тўсиқларни бартараф этиш – тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида ҳам мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишни мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш мақсадлари сифатида белгиланганлиги ҳам бежиз эмас.

Маълумки, Президентимиз Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 22 августида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, унинг натижаси сифатида 2022 йил 30 августда ПҚ-364-сонли Қарор қабул қилди. Ушбу Қарор билан тасдиқланган Йўл харитасида тадбиркорларнинг ўз мол-мулкидан, бириктирилган ер май-

донидан эркин фойдаланишга оид мулкый ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг судга мурожаат қилиш имкониятини енгиллаштириш учун суд харажатларини камайтириш, солиқ идораларининг қарорлари устидан судга шикоят киритиш муддатини узайтириш, бизнес жараёнларидаги турли қоғозбозликларни қисқартириш каби бир қанча устувор вазифалардан иборат комплекс чора-тадбирларни белгилаб берди.

Тадбиркорлар уларга яратиб берилаётган бундай кенг имкониятлар, шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳамда кафолатлардан эркин ва мустақил фойдаланишлари учун аввалом бор улар тегишли қонун ҳужжатларини, фаолияти билан боғлиқ бўлган давлат органларининг ваколатларини, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, улар бузилган тақдирда, судга мурожаат қилиш тартиб-қоидаларини пухта билишлари лозим.

Шуларни инобатга олган ҳолда ҳамда тадбиркорларнинг олий кадрият ҳисобланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги сансалорлик ва оворагарчиликларнинг олдини олиш, уларни судга мурожаат қилишга оид ҳуқуқий билими ва савиясини янада юксалтириш мақсадида мазкур амалий қўлланма тайёрланди.

Амалий қўлланмада иқтисодий судларга даъво аризаси ёки ариза билан мурожаат қилиш, турли илтимосномалар киритиш, низоларни ҳал этишда иштирок этиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби оддий ва содда тилда баён қилинган.

Хусусан унда даъво аризаси, ариза, шикоятларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар, илова қилиниши зарур бўлган ҳужжатлар, уларни судга юбориш ҳамда давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлаш тартиби, миқдорлари, ҳисоб рақамлари, иқтисодий судлар жойлашган манзиллар, судга мурожаат қилиш учун керакли ҳужжатларнинг намуналари ва бошқа маълумотлар ўз аксини топган, муҳим тушунтиришлар ва шарҳлар келтирилган.

Мазкур амалий қўлланма тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда судлар фаолиятидаги очиқлик ва шаффофликни янада кучайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

*“Тадбиркор – тадбир қилувчи,
тадбир изловчи, тадбирли, мустақил
фикрли, узоқни кўрадиган инсон”.*

*Ўзбек тилининг
изоҳли луғатидан*



Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 44-моддаси

1-БОБ.

**СУДЛАРГА МУРОЖААТ
ҚИЛИШГА ОИД
УМУМИЙ ТАРТИБ-
ҚОИДАЛАР**

Судга мурожаат қилиш деганда нима тушунилади?

Судга мурожаат қилиш – фуқаролар ва юридик шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларидан биридир. Суд орқали ҳимоя қилиш эса давлат томонидан шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, у одил судловни таъминлаш орқали амалга оширилади.

Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратишимиз зарур. Бу эса жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий раванқига хизмат қилади.

Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиламиз. Бу борада қонун бузилишини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолат деб баҳолаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Конституцияда белгиланган шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолати аввалом бор ҳар бир фукаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд ишларини юритиш борасида қабул қилинган махсус қонунларда ўз ифодасини топган.

Судга мурожаат қилиш шахснинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, ҳеч ким бундай ҳуқуқдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг ажралмаслиги шунда ифодаланадики, ҳатто шахснинг ўзи ҳам бундай ҳуқуқдан воз кечиши мумкин эмас.

❖ Судга ариза бериш тартиби қандай? ❖

Мазмун-моҳияти жиҳатидан судга қуйидаги икки турдаги ариза билан мурожаат қилиш мумкин:

1 Оддий хат тарзидаги мурожаатлар – **аризалар, таклифлар ва шикоятлар**. Бундай мурожаатлар судда кўрилаётган муайян низо ёки иш билан боғлиқ бўлмайди. Судга ишга қабул қилиш, суднинг почта манзилини аниқлаш, давлат божи тўлаш тартибини сўраш каби аризалар, шунингдек, суд фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби таклифлар, судьянинг ёки суд ходимининг ноқонуний ҳатти-ҳаракати устидан шикоят қилиш каби мурожаатлар оддий хат тарзидаги мурожаатлар ҳисобланади.



Оддий хат тарзидаги мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда судга берилади ва кўриб чиқилади. Улар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Жисмоний шахснинг оддий хат тарзидаги мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги, юридик шахснинг мурожаатида эса унинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Бундай ариза ёки шикоятлар судга келиб тушган кундан эътиборан **15 кун** ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, **1 ойгача** бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари суд раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан **1 ойга** узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

2 Муайян низо ёки иш билан боғлиқ бўлган мурожаатлар – **аризалар, даъво аризалари, илтимосномалар, шикоятлар**. Бундай мурожаатларга қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси, жавобгарнинг мол-мулкини хатлаш ҳақидаги илтимоснома, суд ҳужжати устидан берилган шикоят ва бошқа шу кабилар киради.



***Муайян низо ёки иш билан боғлиқ
аризаларни бериш тартиби қайси
қонунчилик билан тартибга солинган?***

Судларга бирон-бир низоли ҳолатнинг ечимини топишга оид ариза ва даъво аризалари билан мурожаат қилинганда бундай тоифадаги мурожаатларни судларда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, суд қарорларини чиқариш, улар устидан шикоятлар бериш тартиби ва муддатлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун билан эмас, балки тегишли процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судларда ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида, жиноят ишлари бўйича судларда ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида, иқтисодий судларда ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида, маъмурий судларда ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида батафсил кўрсатиб ўтилган.



***Судларга кимлар ариза ёки даъво
● аризаси билан мурожаат қилишлари ●
мумкин?***

Муайян низога оид ариза ёки даъво аризаси билан судга қуйидаги 3 хил тоифадаги шахслар мурожаат қилишга ҳақлидирлар:

1

ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланидиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилаётган шахслар;

2

прокурорлар;

3

қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишига ҳақли бўлган давлат бошқаруви органлари ва ташилотлар.

Ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаб судга мурожаат этаётган шахс муайян иш юзасидан **манфаатдор** бўлиши, яъни ишга дахлдор тараф бўлиши лозим. Шахснинг ишга дахлдорлиги тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан мулкдор, битимларни низолашиш юзасидан ушбу битим иштирокчиси, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан зарар кўрган шахс, ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ходимнинг ўзи судга мурожаат қилиши мумкин.

Агар судга қилинган мурожаат бўйича шахс (аризачи ёки суд ҳужжатидадан норози тараф) дахлдор тараф бўлмаса ёки манфаатдор шахс номидан судга аризани (суд ҳужжати устидан берилган шикоятни) уни имзолаш ваколлатига эга бўлмаган шахс берган бўлса, ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилади ёки уни қабул қилиш рад этилади.

Процессуал қонунчиликка кўра ишда тараф сифатида иштирок этган бўлмасада, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳам суднинг қарори устидан шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Масалан, масъулияти чекланган жамияти хусусий корхонага автомашинани сотиш ҳуқуқисиз бир йилга ижарага берган. Аммо хусусий корхона ушбу автомашинани уни мулкдори бўлган масъулияти чекланган жамиятининг рухсатисиз фермер хўжалигига сотиб юборган.

Бундан хабардор бўлган масъулияти чекланган жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, масъулияти чекланган жамияти ва хусу-





сий корхона ўртасида тузилган ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Суд низони кўришда фермер хўжалигини ишга жалб қилмасдан, даъвони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган. Бундай ҳолда фермер хўжалиги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган, яъни автомашинани эгаллаб ва фойдаланиб турган шахс сифатида суднинг ушбу ҳал қилув қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.



Яна бир муҳим процессуал қоида шундан иборатки, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда прокуратура, давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахсларнинг, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқландиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси (ариза) тақдим этиши мумкин. Даъво тақдим этган мазкур органлар ва шахслар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳуқуқи мустасно.



Жумладан, **“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни** 4-моддасининг еттинчи хатбошида судларда жиноят ишлари кўриб чиқиляётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрсатилган.

“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонун 21-моддасининг тўққизинчи хатбошидаги қоидага асосан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинганда тадбиркорлик субъекти номидан суд муҳокамасининг исталган босқичида иштирок этиш (иккала тараф Палата аъзолари бўлган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек даъво аризалари билан бир





каторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, шу жумладан назорат тартибида протест келтириш ҳақида илтимосномалар бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон Қарори билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом** 11-бандининг ўнинчи кичик бандига кўра вазирлик давлат, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, адлия органлари ва муассасалари манфаатларини кўзлаб судларга давлат бож тўламасдан аризалар ва даъволарни киритиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, қонунда белгиланган ҳолларда бошқа давлат органлари ва ташкилотлар ҳам ўзларига берилган ваколат доирасида шахслар манфаатида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.



Судларга аризалар қандай тартибда берилади?

Судларга муайян иш бўйича даъво аризалари, аризалар, турли илтимосномалар ёки суднинг қарорлари устидан шикоятлар қуйидаги тартибда берилиши мумкин:

1

Судларга бевосита ташириф буюрган ҳолда суднинг девонхонаси ёки суд раҳбариятининг, судьяларнинг шахсий қабули орқали;

2

Почта алоқа бўлимлари орқали;

3

Уйдан, ишхонадан ёки интернет кафеларидан Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон равишда Олий суднинг расмий веб-сайти ёки ахборот тизимининг веб-сайти орқали.

*“Тажрибада кўриманким,
азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жани
кўрган, мард, ишжаъли бир киши
мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан
яхшироқдир.”.*

Амир Темур



2-БОБ.

**ИҚТИСОДИЙ
СУДЛАРГА
МУРОЖААТ ҚИЛИШ
ТАРТИБИ**

Иқтисодий судларга мурожаат қилишда қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

Иқтисодий судларга мурожаат қилинаётганда, агар талаб фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга оид (*қарзни ундириш, мол-мулкни олиб бериш, мулк ҳуқуқини тасдиқлаш ва шу кабилар*) бўлса, у **даъво аризаси** (*намунаси 1-иловада*) шаклида берилади.

Агар талаб бўйруқ тартибида иш юритиш бўйича (*муайян ҳужжат асосида тан олинган ва низо мавжуд бўлмаган дебиторлик қарзни ундиришга оид ва бошқа шу кабилар*), алоҳида тартибда иш юритиш бўйича (*юримдик фактларни аниқлаш, ҳўжалик субъектини тўловга қобилиятсиз деб топиш ва бошқа шу кабилар*) бўлса, у **ариза** (*намунаси 2-иловада*) шаклида берилади;

Агар муайян кўрилатган иш юзасидан судга илтимос қилинаётган (*ишни бошқа кунга қолдириш, экспертиза тайинлаш, даъвони таъминлаш чораларини кўриш, ишни кўришни тўхтатиб туриш ва бошқа шу кабилар*) бўлса, у **илтимоснома** (*намунаси 3-иловада*) шаклида берилади.

Шунингдек суд ҳужжатлари устидан норози бўлиб апелляция ёки кассация инстанцияси судларига мурожаат қилинаётган бўлса, у **шикоят** (*намунаси 4-иловада*) шаклида берилади.

Иқтисодий судлар қандай тоифа- даги ишларни кўради?

**ИПКнинг 25, 26-моддалари мазмунига кўра иқти-
содий судлар қуйидаги низоларни кўради:**

■ ***шартномани тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш
тўғрисидаги;***

■ ***битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;***

■ ***шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаган-
лиги учун қарзни ундириш, шу жумладан, неустойка ун-
дириш тўғрисидаги;***

■ ***мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги;***

■ ***зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;***

■ ***назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳуж-
жатлари талаблари бузилган ҳолда ундирилган пул
маблағларини бюджетдан қайтариш ҳақидаги;***

■ ***рақобат ва инвестиция билан боғлиқ;***

■ ***юримдик фактларни аниқлаш тўғрисидаги;***

■ ***тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги;***

■ ***ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ;***

■ ***корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган ва
бошқалар.***

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқа-
ролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар
тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фао-
лиятидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади.

Мисол

Якка тартибдаги тадбиркор гувоҳномасининг амал қилиш мuddати 2020 йил 10 майгача бўлган. 2020 йил 4 январда якка тартибдаги тадбиркор билан МЧЖ ўртасида олди-сотди шартномаси тузилиб, МЧЖ ЯТТга маҳсулот етказиб берган. Аммо маҳсулотнинг ҳақи 2020 йил 10 майдан кейин ҳам тўланмаган. Даъво аризаси бериладиган кунга келиб, ЯТТ тадбиркорлик мақомини йўқотган. Мазкур ҳолатда қарзни ундириш ҳақидаги МЧЖнинг даъво талаби ЯТТнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиққанлиги учун у иқтисодий судга тааллуқли бўлади.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Мисол

Банк билан МЧЖ ўртасида кредит шартномаси тузилган бўлиб, кредит бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мақсадида фуқаро, банк ва МЧЖ ўртасида кафиллик шартномаси ҳам тузилган. Ушбу шартномалар бўйича олинган кредит маблағлари қайтарилмаганлиги учун банк иқтисодий судга мурожаат қилиб, МЧЖ ва кафил ҳисобланган фуқародан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни ундиришни сўраган.

Даъво аризасидаги талабнинг қарздорликни МЧЖдан ундириш ҳақидаги қисми иқтисодий

судга, фуқародан ундириш ҳақидаги қисми эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлидир. Бундай ҳолда талаблар ўзаро бирлаштирилганлиги сабабли улар фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиши лозим.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабларни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Мисол

Ҳокимнинг қарори билан тадбиркорлик субъекти фойдаланиб келётган ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида ушбу ер майдонида жойлашган тадбиркорнинг иморати бузилган ва унга мулкӣ зарар етказилган.

Тадбиркорлик субъекти иқтисодий судга тақдим этган даъво аризасида ҳокимнинг ушбу қарорини ҳақиқӣ эмас деб топишни ва қарор чиқарилиши натижасида унга етказилган зарарни ундиришни сўраган.

Даъво аризасидаги ҳокимнинг қарорини ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисидаги талаб маъмурий судга, қарор чиқарилиши натижасида тадбиркорга етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги талаб эса иқтисодий судга тааллуқли бўлганлиги учун иқтисодий суд ушбу иккита талабларни

бирлаштиришга, яъни уларни бирга кўришга ҳақли эмас. Шу сабабли иқтисодий суд бундай талаблар бирлаштирилган даъво аризасини қайтариши лозим.

Даъво аризаси қайси иқтисодий судга берилади?

ИПКдаги умумий қоидага кўра жавобгарга нисбатан даъво ушбу жавобгар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Жавобгар юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятдан келиб чиқадиган даъво алоҳида бўлинма давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Мисол

МЧЖ билан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТ банкининг Нукус шаҳар филиали ўртасида кредит шартномаси тузилган. Бироқ, банк филиали томонидан шартномавий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмасдан, кредит маблағлари МЧЖга берилмаган. Бундай ҳолда, МЧЖ кредит суммасини ундиришни сўраб «Ўзсаноатқурилишбанк» АТ банки жойлашган Тошкент шаҳридаги иқтисодий судга эмас, балки банкнинг филиали жойлашган Нукус шаҳридаги иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши лозим.

Фуқароларга нисбатан даъволар улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

***Даъво аризасида ёки аризада нима-
лар кўрсатилиши ва унга қандай ҳуж-
жатлар илова қилиниши керак?***

ИПКнинг 149-моддасига биноан иқтисодий судга бериладиган ариза ёки даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1** ариза берилаётган суднинг номи;
- 2** ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3** агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4** даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 5** даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6** ундирилаётган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;

7

даъвогарнинг қонунчиликка асослаб келтирган талаблари, даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар;

8

жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

9

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек даъвогардаги мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

Даъво аризасига қўйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

1

белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божси ва почта харажатлари тўланганлигини;

2

даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлигини;

жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этил-

3 *ганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;*

4 *даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни;*

5 *даъвогарнинг юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;*

6 *даъво аризасини имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.*

Шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисидаги даъво аризасига шартнома лойиҳаси ҳам илова қилинади.

Ёдда тутинг!

Даъвогар даъво тақдим этганда жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини юбориши шарт.

Аризани имзолаш ёки суд мажлисида қатнашиш вакил орқали амалга оширилиши мумкинми?

Мумкин, ариза вакил томонидан имзоланганда, вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ расмийлаштирилган ишончномада (*намунаси 5-иловада*) ифода этилган бўлиши лозим.

Судда юридик шахсларнинг ишларини қонунда ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ва (ёки) вакиллари юри-тади.

Юридик шахс номидан берилган ишончнома унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат бе-рилган бошқа шахс томонидан имзоланган ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлганда) тасдиқланган бўлиши керак.

Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ўзлари ва (ёки) вакиллари орқали юритишга ҳақлидир.

Адвокатнинг муайян ишни олиб бориш билан боғ-лиқ ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги томонидан 2009 йил 8 апрелда 1938-сон би-лан рўйхатга олинган ушбу вазирликнинг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мх-сон буйруғи асосида тасдиқланган шаклдаги ордерда қайд этилади.

Ишончномада қайси ваколатлар махсус кўрсатилиши лозим?

Судда қонун ёки ишончнома асосида иш юритиш ва-колатлари берилган вакилга уни вакил қилган шахс но-мидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳукукини беради, бундан даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш,

ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно.

Вакилнинг ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари у қайси шахс томонидан вакил қилинаётган бўлса, ўша шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш тартиби қандай?

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлиси деганда, реал вақт режимида телекоммуникация технологиялари ёрдамида аудио- ва видео- ахборотлар алмашинуви имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишни кўраётган суд ва суд мажлисини ўтказишга кўмаклашаётган суд ўртасидаги интерактив ўзаро таъсир қилиш йўли билан масофадан суд мажлисини ўтказиш тушунилади.

Яъни одатда видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлиси ишда иштирок этувчи шахсларнинг биттаси (масалан, даъвогар) бир маъмурий-ҳудудий бирликда (вилоят, туман, шаҳар) жойлашган бўлиб, иккинчиси (масалан, жавобгар) бошқа бир маъмурий-ҳудудий бирликда жойлашган бўлса, ишни кўришда тарафларга қу-

лайлик яратиш ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Ёдда тутинг!

ИПКнинг 166-моддаси мазмунига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишга ҳақли, аммо мажбур эмас.

Суднинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримда ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳукуқи борлиги кўрсатилиб, ушбу ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга ва бундай мажлисни олиб боришга кўмаклашадиган тегишли судга юборилади.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш учун даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ўзлари жойлашган ҳудуддаги, агар хизмат сафари ёки шунга ўхшаш сабаблар билан бошқа ҳудудда бўлишса, бу ҳақда судга маълум қилган ҳолда шу ҳудуддаги иқтисодий судга боришга ва суд мажлисида шахсан ёки вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидир. Шундан сўнг суд мажлиси белгиланган вақтда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади.

Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилаётганда видеоконференцалоқа ўрнатиш имкони бўлмаган тақдирда ишни кўриш бошқа кунга қолдирилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар бундай режимдаги суд мажлисида иштирок этиш ҳукукидан нафақат биринчи, балки апелляция ва кассация инстанцияларида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлаш тартиби қандай?

ИПКнинг 112-моддасига кўра суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларидан иборат.

Иқтисодий судларга даъво аризаси (ариза, шикоят) билан мурожаат қилиш учун давлат божини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган. *(ҳисоб рақамлар рўйхати б-иловада)*

Ушбу Қонунда даъво аризалари даъво талабига кўра 2 турга бўлинган:

1 Мулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари;

2 Номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари.

ИПКнинг 114-моддаси мазмунига кўра мулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари бўйича даъвонинг баҳоси қуйидагича белгиланади:

1 пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – ундириладиган суммадан келиб чиққан ҳолда;

2 мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар бўйича – мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда;

ижро этиш хужжасатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа
3 *хужжасатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича – низолашилаётган суммадан келиб чиққан ҳолда;*

мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича – шу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда;

ер участкасини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича – ер участкасининг белгиланган баҳоси бўйича қийматидан келиб чиққан ҳолда, баҳоси мавжуд бўлмаганда эса бозор баҳосига кўра.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатилган неустойка суммалари ҳам киритилади.

Номулккий хусусиятга эга даъво аризалари қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган, масалан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган бинодан чиқариш, шартномани бекор қилиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқа шу каби талаблар бўйича берилади.

Бир нечта мустақил талаблардан иборат даъвонинг баҳоси барча талаблар суммасининг йиғиндиси билан аниқланади. Даъвонинг баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда, баҳо суд томонидан аниқланади.

Даъвогар ўз талабларини камайтирган ёки ундан воз кечган, тарафлар келишув битими тузган ҳолларда давлат божи қайтарилмайди. Даъво талаби кўпайтирилганда эса давлат божи ушбу талабнинг кўпайтирилган қисмига мутаносиб тарзда қўшимча тўланади.

Юқорида қайд этилганидек, иқтисодий судга даъво аризаси (ариза, шикоят) билан мурожаат қилишда давлат божидан ташқари ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд чиқимлари ҳам тўланади. Жумладан, агар даъвогар суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишни илтимос қилса, у суд мажлисини ушбу режимда ўтказиш билан боғлиқ харажатни тўлаши керак. Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш харажати миқдори суд томонидан белгиланади ва тўлов барча иқтисодий судлар учун Олий суддаги ягона депозит ҳисоб рақамига тўланади. *(депозит ҳисоб рақами 7-иловада)*

Шунингдек, даъво аризаси судга берилаётганида суд хужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари ҳам тўланади. Мазкур сумма суд томонидан белгиланади, бироқ у базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги керак ва даъво аризаси (ариза, шикоят) берувчи шахс томонидан суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим. *(депозит ҳисоб рақамлар рўйхати 8-иловада)*

Булардан ташқари, суд чиқимларига суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳам киради.

Иш даъвогарни фойдасига тўлиқ ҳал қилинган бўлса, давлат божи ва бошқа суд харажатлари жавобгардан тўлиқ, агар уни фойдасига қисман ҳал қилинган бўлса, даъвонинг қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади. Даъво талабининг рад қилинган қисми бўйича давлат божи ва суд харажатлари даъвогар зиммасида қолдирилади.

Судга мурожаат қилинганда қанча миқдорда давлат божи тўланади?

Иқтисодий судларга мурожаат қилинганда тўландиган давлат божи суммаси “Давлат божи тўғрисида”-ги Қонунга илова қилинган Давлат божи ставкаларининг миқдорларида белгиланган. *(Қонундан кўчирма 9-иловада)*

Давлат божи иқтисодий судга тўлов топшириқномаси ёки мемориал ордер расмийлаштирилган ҳолда банкдаги ҳисоб рақамдаги пул маблағларидан нақдсиз тарзда ёхуд тўлов қвитанцияси расмийлаштирилган ҳолда нақд тарзда тўланиши мумкин.

Давлат божи, агар шикоят қилаётган шахс давлат божи тўлашдан озод қилинмаган ёхуд уни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида илтимоснома бермаган бўлсагина тўланади. Давлат божи тўланмасдан даъво аризаси (ариза, шикоят) берилган тақдирда, у қайтарилади.

Агар даъвогарнинг ҳисоб рақамида давлат божини тўлаш учун пул маблағи етарли бўлмаса, у давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат бериш ҳақида судга илтимоснома беришга ҳақли. *(нусхаси 10-иловада)*

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига кўра пул маблағлари мавжуд бўлмаган ва бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин.

Ёдда тутинг!

Хизмат кўрсатувчи банкнинг даъвогарни ҳисоб рақамида пул маблағи мавжуд эмаслигини тасдиқловчи маълумотномасида судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан **3 кун олдинги** сана қайд этилган бўлиши керак.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга илова қилинган Давлат божи ставкалари миқдорлари 2-бандининг “д” кичик бандига кўра апелляция ва кассация тартибида берилган шикоятлардан биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун аризалар берилганда тўланадиган ставканинг **50 фоизи** миқдорида давлат божи тўланади.

Иқтисодий судга мурожаат қилишда давлат божи тўлашдан кимлар озод қилинган?

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинадиган шахслар рўйхати келтирилган. Жумладан:

 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан;

➡ прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

➡ адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

➡ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

➡ Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

➡ аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича;

➡ тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда.

Қонуннинг ушбу моддасида бошқа шахслар рўйхати ҳам кўрсатилган.

Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Даъво аризаси судда қандай тартибда кўриб чиқилади?

Иқтисодий судларга муайян низо ёки иш билан боғлиқ ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилинган тақдирда *(почта манзиллари ва жойлашув хариталари 11-иловада)*, уларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш тартиби қуйидаги **2** турга бўлинади:

1 Буйруқ тартибида иш юритиш;

2 Даъво тартибида иш юритиш.

Буйруқ тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда асосан қарздорлик жавобгар томонидан тан олинган (масалан, таққослаш далолатномаси тузилган ёки хат билан қарзини тан олган) ва талаб низосиз бўлиши керак. Судья бундай тоифадаги, яъни суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда суд муҳокамасини ўтказмасдан ва тарафларни суд мажлисига чақирмасдан, аризанинг нусхаси қарздорга топширилган кундан эътиборан **10 кун ўтгач** суд буйруғини беради. Ариза берувчи тараф «кредитор», жавобгар тараф эса «қарздор» деб аталади. Бунда суд муҳокамаси ўтказилмас экан, ўз навба-



тида ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор ҳам чиқарилмасдан, агар ариза асосли бўлса, тўғридан-тўғри қарзни ундириш ҳақида суд буйруғи берилади. Суд буйруғи устидан шикоят қилинмайди ва у чиқарилган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Суд буйруғи ижро ҳужжати, яъни ижро варакаси кучига эга бўлади. Суд буйруғи бўйича ундирув суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибла амалга оширилади.

Даъво тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда тарафлар ўртасида низо мавжуд бўлади. Бундай ҳолда судга даъво аризаси ёки ариза берилади. Ариза берувчи тараф «даъвогар» ёки «аризачи», ариза кимга нисбатан берилган бўлса, у «жавобгар» деб аталади. Даъво аризаси суд мажлисида тарафлар чақирилган ҳолда кўриб чиқилади ва натижасига кўра ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилади.

ИПКнинг 152-моддасига кўра судья бу тоифадаги даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш ҳақидаги масалани даъво аризаси судга келиб тушган кундан эътиборан **5 кундан кечиктирмай** ҳал қилади, ишни суд муҳокамасига тайёрлайди ва шу ҳақда ажрим чиқаради.

ИПКнинг 164-моддасидаги қоидага кўра суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги



ажрим чиқарилган кундан эътиборан **1 ойдан ошмаган муддатда** тугалланиши керак.

Алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан **1 ойдан ошмаган муддатга** узайтирилиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради ва уни ижро қилиш учун ижро варақаси берилади.

Агар суд ҳужжати устидан апелляция шикояти (протести) берилган бўлса, иш мазкур инстанция судида кўриб чиқилганидан кейин қонуний кучга киради.

Қонунга мувофиқ биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор ёки ажримга нисбатан апелляция ёки кассация тартибида шикоят берилиши мумкин.

*“Мусулмон одам учун энг яхши
ризқ – бу ўз қўли (касби) билан
топан ризқидир”.*

Ҳадис

Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади.

... Яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатига хиёнат, деб қабул қилиш керак.

Ш.Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

3-БОБ.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Суд ҳужжатларига нисбатан шикоят бериш фуқаролар ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг узвий давоми ҳисобланади.

Қонун одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини эътироф этсада, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатининг мутлақо қатъий ва якуний табиатини истисно этиб, биринчи инстанция судлари ҳужжатларининг манфаатларига дахл қилувчи шахсларнинг аризасига ҳамда, улар прокурорга мурожаат қилишган бўлса, прокурорнинг протестига асосан юқори инстанция судлари томонидан қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш имконини беради.

Ишда иштирок этувчи шахслар нафақат ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, шунингдек ушбу мурожаат бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлигини ҳам низолашишга ҳақлидирлар.

Таъкидлаш керакки, апелляция тартибида кўрилмаган суд ҳужжатлари кассация тартибида кўрилмайд.

Апелляция шикояти (протести) деганда қандай шикоят тушунилади?

Апелляция шикояти (протести) деганда, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан берилган шикоят (протест) тушунилади.

Кимлар апелляция шикоятти (протести) бериши мумкин?

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақлидир.

Прокурор, юқори турувчи прокурор факат прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес Омбудсман) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақли, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар деганда, фойда олиш мақсад қилинмаган фаолиятдан келиб чиққан низолар (хусусан, юридик фактларни белгилаш тўғрисидаги, тўловга қобилиятсиз, яъни банкрот деб топиш тўғрисидаги ишлар, ҳакамлик муҳока-

маси билан боғлиқ, чет эл судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги низолар) тушунилади.

Апелляция шикоятлари (протестлари) қайси судда кўриб чиқилади?

Апелляция шикоятлари (протестлари):

тегишли туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилганда — Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳал қилув қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилганда — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Апелляция шикояти апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Апелляция шикояти (протести)ни бериш муддати қанча?

Агар қонунчиликда бошқача муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикояти (протести) биринчи инстанция суди томонидан шикоят қилинаётган (протест кел-

тирилаётган) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **1 ой ичида** берилиши мумкин.

Суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин **10 кун ичида** берилади.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар, шунингдек суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслар учун апелляция шикоятини бериш муддати уларга **ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги маълум бўлган кундан** эътиборан ҳисобланади.

Агар апелляция шикояти билан мурожаат қилмоқчи бўлган тараф, шикоят беришнинг **1 ойлик муддатини** ўтказиб юборган бўлса, ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **2 ойдан кечиктирмасдан** апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

*“Дилини – Аллоҳда,
қўлини – меҳнатда бўлсин!”.*

Баҳовуддин Нақшбанд

Апелляция шикояти (протести)да нималар кўрсатилиши керак?

Апелляция шикояти билан мурожаат қилмоқчи бўлган тараф, агарда шикоят беришнинг **1 ойлик** муддатини ўтказиб юборган бўлса, ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **2 ойдан** кечиктирмасдан апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Апелляция шикоятида нималар кўрсатилиши керак?

Апелляция шикоятида:

апелляция шикояти (протести) йўлланаётган суднинг номи;

шикоят (протест) бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий суднинг номи, ишнинг рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети;

шикоят (протест) бераётган шахснинг талаблари ҳамда шикоят (протест) бераётган шахс иш ҳолатлари ва далилларга, конунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблаш учун келтирган асослар;

шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилиши керак.

Апелляция шикоятида шикоят бераётган шахснинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.



Апелляция шикояти (протести)га қандай ҳужжатлар илова қилинади?

Апелляция шикояти (протести)га:

✓ давлат бож ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

✓ ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция шикояти ва унга илова қилинган, уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

✓ апелляция шикояти вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолашга доир ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Агар апелляция шикояти даъво аризасини қайтариш ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган бўлса, апелляция шикоятига (протестига) қайтарилган даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Кассация шикояти (протести) деганда қандай шикоят тушунилади?

Кассация шикояти (протести) деганда, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан берилган шикоят (протест) тушунилади.

Кимлар кассация шикояти (протести) бериш ҳуқуқига эга?

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки апелляция тартибида қўрилган ҳал қилув қарори ва/ёки апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли.

Прокурор, юқори турувчи прокурор биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки апелляция тартибида қўрилган ҳал қилув қарори ва/ёки апелляция инстанцияси судининг қарори устидан, агар шу қарорлар чиқарилган ишлар бўйича прокурор иштирок этган бўлса, шунингдек тарафларнинг протест киритиш ҳақида мурожаати мавжуд бўлган тақдирда, кассация протести келтиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес Омбудсман) апелляция инстанциясидаги каби кассация инстанциясида ҳам қонунда белгиланган тартибда кассация шикояти беришга ҳақли.

Кассация шикояти (протести) қайси судда кўриб чиқилади?

Биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан берилган кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий суди номига ёзилади ва Олий судга топширилади.

Кассация шикояти (протести)ни бериш муддати қанча?

Кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан, агар ҳал қилув қарори апелляция инстанциясида қайта кўрилган бўлса, шу инстанция судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан **1 йил ичида** берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда уни берган шахснинг муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномаси, агар касса-

ция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтган, яъни **1 йиллик** муддат тугаган кундан эътиборан **3 ой ичида** берилган ва муддатнинг ўтказиб юборилиш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлсагина тикланиши мумкин.



Кассация шикоятида нималар кўрсатилиши керак?

Кассация шикояти (протести)да:

 кассация шикояти (протести) йўлланаётган суднинг номи;

 шикоят (протест) бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

 устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорини, қарорни қабул қилган суднинг номи;

 ишнинг рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;

 шикоят (протест) бераётган шахснинг талаблари ва шахс қонунларга ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, иш ҳолатларига ҳамда далилларга ҳавола қилинган ҳолда суд ҳужжатини нотўғри деб ҳисоблаш учун келтирган асослар;

 шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилиши керак.

Кассация шикоятида уни бераётган шахснинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести)га қандай ҳужжатлар илова қилинади?

Кассация шикояти (протести)га:

 давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

 ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятининг ва унга илова қилинган, ушбу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Кассация шикояти (протести) вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак.

Кассация шикоятини (протестини) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятининг (протестининг) ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхасини юбориши ёки тилхат олган ҳолда шахсан топшириши лозим.

“Одамларнинг ичида Аллоҳга энг маҳбуди одамларга кўпроқ манфаати етадиланидир”.

Ҳадис

Ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида мурожаат қилиш



Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар, прокурор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес Омбудсман) Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисига, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарларига ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш ариза кассация шикояти (протести) бериш муддати, яъни бир йиллик муддатда, мазкур муддат ўтказиб юборилган ҳолларда эса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Ушбу муддат ўтганидан кейин берилган ариза кўриб чиқилмайди.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан 5 кунлик муддатда уни апелляция ёки кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

4-БОБ.

**СУД
ҚАРОРЛАРИНИНГ
ИЖРОСИ**

Суд ҳужжатлари қачон ижрога қаратилади?

Суд ҳужжатлари қонуний кучга киргач, ижрога қаратилади.

Даъвони таъминлаш бўйича чоралар кўриш, келишув битимини тасдиқлаш, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши лозим.

Ёдда тутинг!

Суд ҳужжати бўйича битта ижро варақаси берилади.

Агар суд ҳужжатини ижро этиш турли жойларда амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчининг илтимосига кўра ижро этиш жойи кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақасини беради.

Агар суд ҳужжатини ижро этиш жавобгардан бир нечта ундирувчи фойдасига амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчиларга ҳар бир ундирувчи фойдасига ижро этилиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда ижро варақаларини беради.

Агар суд ҳужжатини ижро этиш ундирувчи фойдасига бир нечта жавобгарлардан амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчи фойдасига ҳар бир жавобгардан ижро этилиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақаларини беради.

Ижро варақаси қайси суд томонидан берилади?

Ижро варақаси суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан берилади.

Суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг **5 кун ичида** ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади.

Ижро варақаси электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Ижро варақасини қанча муддатгача ижрога тақдим этиш мумкин?

Ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан эътиборан суд ҳужжатининг ижроси кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб ижро этилиши кўрсатилган тақдирда, бундай муддат тугаган кундан эътиборан **3 йил ичида** ижрога тақдим этилиши мумкин.

Агар суд ҳужжатининг ижроси тўхтатиб қўйилган бўлса, унинг ижроси тўхтатиб қўйилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддатга қўшиб ҳисобланмайди.

“Таъдбиркор – эли мададкор”.

Мақол

Ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати ўтказиб юборилса, уни тиклаш мумкинми?

Мумкин, яъни ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборган ундирувчи ижро варақасини берган судга ёки у ижро этиладиган жойдаги судга ушбу ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Муддатни ўтказиб юбориш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ижро варақаси (суд буйруғи)нинг асли йўқотилган бўлса, уни тиклаш бўйича қандай процессуал имкониятлар мавжуд?

Ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақасини (суд буйруғини) ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунига қадар берилиши мумкин, бундан ижро варақаси (суд буйруғи) давлат ижрочиси ёки ижрони амалга оширувчи бошқа шахс томонидан йўқотилган ва бу ҳақда ундирувчига ижро варақасини (суд буйруғини) ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан сўнг маълум бўлган ҳоллар мустасно. Ушбу ҳоллар-

да ижро варақасининг (суд буйруғининг) дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақаси (суд буйруғи) йўқотилганлиги ундирувчига маълум бўлган кундан эътиборан **1 ой ичида** берилиши мумкин.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш мумкинми?

Суд берган ижро варақаси асосида давлат ижрочиси томонидан қўзғатилган ижро ишини юритишни суд қонунда назарда тутилган ҳолларда, ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризасига кўра тўхтатиб туриши ёки тугатиши мумкин.

Иқтисодий суд томонидан берилган ижро варақаси асосида қўзғатилган ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша суд ёки давлат ижрочиси жойлашган ердаги суд томонидан амалга оширилади.

Ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги ариза у судга келиб тушган кундан эътиборан **20 кунлик** муддатда, тарафлар чақиртирилмасдан ва суд мажлиси ўтказилмасдан кўриб чиқилади.



Ижро варақаси хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишлар билан берилган бўлса, уни алмаштириш мумкинми?

Суд ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги янглишишлар билан берилган, шунингдек ўзгартирилган (бекор қилинган) суд ҳужжати асосида берилган ижро варақасини ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан тарафларни чақиртирмасдан ҳамда суд мажлиси ўтказилмасдан чақириб олишга ва унинг ўрнига янги ижро варақасини беришга ҳақли.

“Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”.

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 53-моддаси*

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШГА ОИД ХУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ



Намуна

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Фаровон” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Жавобгар: “Замин саноат” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

ДАЪВО АРИЗА

(_____ сўм асосий қарз, _____ сўм фоиз ва _____ сўм пеня
ундириш тўғрисида)

Даъвогар “Фаровон” МЧЖ ва жавобгар “Замин саноат” МЧЖ ўртасида _____ йил __ майда 2-сонли қарз шартномаси тузилган. Мазкур шартноманинг 2.1-бандига асосан даъвогар – қарз берувчи _____ сўмни жавобгарга қарз сифатида бериш, жавобгар – қарз олувчи эса қарзни 10 фоиз устама тўлаш шarti билан _____ йил __ майга қадар қайтариш мажбуриятини олган. Шартнома асосида даъвогар томонидан _____ сўм пул маблағи _____ йил __ майдаги 1556-сонли тўлов топшириқномасига асосан жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Шартноманинг 2.1-бандига кўра жавобгар қарз суммасини _____ йилга қадар қайтариш мажбуриятини олган бўлсада, бироқ, қарзни қайтариш муддатига амал қилмасдан _____ сўм асосий қарз ва унга ҳисобланган _____ сўм фоизни қайтармасдан келмоқда.

Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан, агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юримдик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФКнинг 735-моддасига кўра қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Жавобгарнинг асосий қарз ва фоиз сифатида _____ сўмлик қарздор-
лиги мавжуд.

Шунингдек, шартноманинг 5.1-бандига асосан жавобгар асосий қарз
ва унга ҳисобланган фоизни қайтаришни кечиктирган ҳар бир кун учун
___ фоиздан, бироқ жами кечиктирилган сумманинг __ фоизидан ошмаган
миқдорда пеня тўлаши керак.

Жумладан, қарз ва фоиз сифатидаги _____ сўмни жавобгар __ кун-
га кечиктирган. _____ сўмлик пеня ҳосил бўлади. Шу сабабли жавобгар-
дан мазкур пеня суммаси тўлиқ ундирилиши керак.

Шартномада талабнома юбориш тартиби назарда тутилмаган бўл-
сада, даъвогар томонидан жавобгарга қарздорликни қайтариш ҳақида
талабнома юборилган. Аммо талабномага жавоб берилмай, қарздорлик
суммаси қайтарилмай келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фукаро-
лик кодексининг 734, 735 моддаларига асосан суддан

жавобгар “Замин саноат” МЧЖ ҳисобидан даъвогар “Фаровон” МЧЖ
фойдасига _____ сўм асосий қарз, _____ сўм фоиз, _____ сўм пеня ҳамда
тўланган _____ сўм давлат божи ва _____ сўм почта харажати унди-
риб беришни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

1. Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисида маълумот;
2. Даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга
юборилганлиги тўғрисида почта маълумотномаси;
3. Шартнома нусхаси;
4. Даъвогарнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома
нусхаси;
5. Даъвогар вакилига берилган _____ йилдаги _____ -сонли ишончнома.

“Фаровон” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

У.Толипов

йил/ой/кун

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Омад” МЧЖ
*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Жавобгар: “Мароқанд-Т” МЧЖ
*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

ДАЪВО АРИЗА

(Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича ____ сўм
асосий қарз ва ____ сўм пеня ундириш тўғрисида)

Даъвогар “Омад” МЧЖ ва жавобгар “Мароқанд-Т” МЧЖ ўртасида ____ йилда __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Шартноманинг __-бандига кўра даъвогар – маҳсулот етказиб берувчи кабель маҳсулотини етказиш, жавобгар – сотиб олувчи эса маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома асосида даъвогар __ йилдаги __-сонли ҳисоб-фактурага асосан жавобгарга ____ сўмлик кабель маҳсулотини етказиб берган. Етказиб берилган маҳсулотнинг сифати бўйича жавобгар томонидан эътироз билдирилмаган.

Шартноманинг __-бандига кўра жавобгар шартнома имзоланган санадан бошлаб, __ кун ичида маҳсулот қийматининг __ фоизини олдиндан тўлаши, қолган тўловни маҳсулотни қабул қилиб олган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга ошириши керак бўлган.

Жавобгар томонидан олинган маҳсулот учун __ йилда қисман, яъни ____ сўмлик тўлов амалга оширилган. Қолган ____ сўм эса асоссиз равишда тўламасдан келинмоқда.

Фуқаролик кодексининг 437-моддасига кўра маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдала-

ниш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 449-моддасига кўра сотиб олувчи етказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган ҳолда тўлайди. Агар тарафлар келишувида ҳисоб-китоблар тартиби ва шакли белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади. Шунга кўра, жавобгарнинг __ сўмлик қарздорлиги мавжуд.

Шунингдек, шартноманинг __-бандига асосан сотиб олувчи маҳсулот ҳақини кечиктирган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот қийматининг __ фоизидан, бироқ жами кечиктирилган сумманинг __ фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлаши керак.

Жавобгар маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун __ сўм пеня тўлаши лозим.

Жавобгарга асосий қарз ва пеня суммасини тўлаши ҳақида __ йилда __-сонли талабнома юборилган. Жавобгар томонидан талабномага жавоб берилмаган ва тўлов амалга оширилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437, 449- моддаларига асосан суддан

жавобгар “Мароқанд-Т” МЧЖ ҳисобидан даъвогар “Омад” МЧЖ фойдасига __ сўм асосий қарз, __ сўм пеня ҳамда олдиндан тўланган __ сўм давлат божи ва __ сўм почта харажати ундириб беришни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

- 1. Давлат божини ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисида маълумот;*
- 2. Даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга юборилганлиги тўғрисида почта маълумотномаси;*
- 3. Шартнома нусхаси;*
- 4. Даъвогарнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;*
- 5. Даъвогар вақилига берилган __ йилдаги __-сонли ишончнома.*

“Омад” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

Б.Рахимов

йил/ой/кун

___ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Дунё-3” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Жавобгар: “Камалак” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

ДАЪВО АРИЗА

(Олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва ___ сўм
пул маблағини қайтариш тўғрисида)

Даъвогар “Дунё-3” МЧЖ ва жавобгар “Камалак” МЧЖ ўртасида ___ йилда ___-сонли олди-сотди шартномаси тузилган ва унга кўра сотувчи – жавобгар ўзига тегишли совун ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олувчи – даъвогарга ___ сўмга сотиш, даъвогар эса уни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома асосида даъвогар томонидан ___ йилдаги тўлов топшириқномасига асосан ___ сўм пул маблағи олдиндан жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Шартноманинг ___-бандига кўра сотувчининг ҳисоб рақамига олдиндан тўлов келиб тушган санадан бошлаб, у ___ кун ичида товарни сотиб олувчига топшириши лозим. Жавобгар турли асоссиз сабаблар билан ___ ойдан ортиқ муддатдан буён ускунани топширмасдан келмоқда.

Шунга кўра ҳозирги кунда мазкур ускунани сотиб олишга зарурат йўқолди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддасига кўра, агар ушбу Кодексад, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- 2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

ФКнинг 384-моддаси иккинчи қисмига кўра бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёнги шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Жавобгарга __йилда талабномалар юборилиб, ускунани топшириш, акс ҳолда шартнома бекор қилишини ҳақида огоҳлантиришлар берилган бўлсада, улар натижасиз қолдирилди.

ФКнинг 420-моддаси учинчи қисмида олдиндан тўланган суммани олган сотувчи товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда сотиб олувчи ҳақи тўланган товарни топширишни ёки сотувчи топширмаган товар учун олдиндан тўланган суммани қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлиги белгиланган.

Шу боис жавобгарга олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва тўланган пул маблағини қайтариш ҳақида __йилда таклиф хати юборилиб, __кун муддатда шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма келишув тузиш таклиф қилинди. Бироқ, жавобгар томонидан муносабат билдирилмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382, 386, 420-моддаларига асосан суддан

даъвогар “Дунё-3” МЧЖ ва жавобгар “Камалак” МЧЖ ўртасида __йилда тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилишни;

жавобгар “Камалак” МЧЖ ҳисобидан __сўм пул маблағини ҳамда тўланган __сўм давлат божи ва __сўм почта харажатини ундириб беришни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

1. Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисида маълумот;
2. Даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга юборилганлиги тўғрисида почта маълумотномаси;
3. Шартнома нусхаси;
4. Даъвогарнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;
5. Даъвогар вақилига берилган __йилдаги __сонли ишончнома.

“Дунё-3” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

Л.Акмалов

йил/ой/кун

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Фортуна М” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Жавобгар: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

ДАЪВО АРИЗА

(Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган кўчмас мулк
учун __ сўм компенсация ундириш тўғрисида)

Даъвогар “Фортуна М” МЧЖга _____ шаҳар, _____ тумани, _____ кўчаси _____ уйда жойлашган умумий майдони _____ кв.м бўлган савдо дўкони кадастр органи томонидан берилган _____ йилдаги гувоҳномага асосан мулк ҳуқуқи асосида тегишли.

_____ шаҳар ҳокимининг _____ йилдаги _____-сон қарори билан _____ тумани, _____ кўчаси кенгайиши муносабати билан савдо дўкони бузилишга тушган.

Шу боис ушбу савдо дўкони “_____” МЧЖ томонидан _____ йил _____даги баҳолаш ҳисоботига кўра _____ сўмга баҳоланган.

Мазкур савдо дўкони _____ йилда туман ҳокимлиги, туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари иштирокида бузилган ҳамда унинг ўрнидан йўл ўтказилган. Лекин компенсация маблағи бугунги кунга қадар тўланмасдан келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 41-моддасининг тўртинчи қисмига кўра жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириландиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат қонунда назарда тутилган компенсация тўла ҳажмда берилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.11.2019 йилдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да”ги 911-сон қарори 1-бандининг “Г” кичик бандига кўра кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга олиб кўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган ҳолларда эса суд қарорида, белгиланган компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнг йўл қўйилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36, 37, 41-моддаларига асосан суддан

жавобгар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан __ сўм компенсация тўлови ҳамда тўланган __ сўм давлат божи ва __ сўм почта харажатини ундириб беришни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

1. Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисида маълумот;
2. Даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга юборилганлиги тўғрисида почта маълумотномаси;
3. Даъво аризасининг кўчирма нусхаси;
4. Жавобгарга юборилган талабнома нусхаси;
5. Савдо дўконининг кадастрга оид ҳужжатлари нусхалари;
6. Баҳолаш ва эксперт хулосаси нусхаси;
7. Даъвогарнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;
8. Даъвогар вакилига берилган __ йилдаги __-сонли ишончнома.

“Фортуна М” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

Б.Бозоров

йил/ой/кун

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Мега Х” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Жавобгар: “Бизнес Ривож” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

ДАЪВО АРИЗА

(__ сўм асосий қарз ва __ сўм пеня ундириш тўғрисида)

Даъвогар “Мега Х” МЧЖ ва жавобгар “Бизнес Ривож” МЧЖ ўртасида __ йилда ижара шартномаси тузилган. Унга кўра даъвогар - ижарага берувчи ўзига тегишли __ шаҳар, __ тумани, __ кўчаси __-уй манзилида жойлашган __ кв.м майдондан иборат савдо дўконини жавобгарга __ йилга қадар ижарага бериш, жавобгар эса ҳар ойнинг __ санасига қадар __ сўм ижара тўловини амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартнома асосида ижара объекти __ йилда жавобгарга далолатнома асосида топширилган.

Жавобгар __ йилнинг __ ойлари учун ижара тўловини тўлаб, __ йилнинг __ ойидан __ ойига қадар, жами __ ой учун ижара ҳақини тўламаганлиги сабабли жами __ сўмлик асосий қарздорлик юзага келди.

Бундан ташқари, шартноманинг __-бандида ижарага олувчи ижара тўловини кечиктирган ҳар бир кун учун __ фоиздан, бироқ жами кечиктирилган сумманинг __ фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлаши керак. Шунга кўра жавобгарга __ сўм пеня тлаши лозим.

Жавобгарга ижара тўлови бўйича асосий қарз ва пеня суммасини тўлаши ҳақида талабномалар юборилган бўлсада, жавобгар қарз суммасини тўламасдан келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 544-моддасига кўра ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт. Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси билан белгиланади. Булар шартномада белгиланмаган ҳолларда одатда худди шун-

дай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган деб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 535, 544-моддаларига асосан суддан

жавобгар “Бизнес Ривож” МЧЖ ҳисобидан __ сўм асосий қарз, __ сўм пеня ҳамда тўланган __ сўм давлат божи ва __ сўм почта харажатини ундириб беришни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

1. Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлиги тўғрисида маълумот;
2. Даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга юборилганлиги тўғрисида почта маълумотномаси;
3. Шартнома нусхаси;
4. Даъвогарнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;
5. Даъвогар томонидан вакилга берилган __ йилдаги __-сонли ишончнома.

“Мега Х” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

Х.Латипов

йил/ой/кун

Намуна

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Кредитор: “Осиё Инвест” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Қарздор: “Бизнес ҳамкор” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

АРИЗА

(Суд буйруғини бериш тўғрисида)

Кредитор “Осиё Инвест” МЧЖ ва қарздор “Бизнес ҳамкор” МЧЖ ўртасида __ йилда __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Шартноманинг 2.1-бандига кўра кредитор – маҳсулот етказиб берувчи қарздорга жами __ сўмлик тиббий буюмларни етказиш, қарздор – сотиб олувчи эса маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома асосида кредитор __ йилдаги __-сонли ҳисоб-фактурага асосан қарздорга ____ сўмлик маҳсулотни етказиб берган. Етказиб берилган маҳсулотнинг сифати бўйича қарздор томонидан эътироз билдирилмаган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра қарздор шартнома имзоланган сандан бошлаб,

__ кун ичида маҳсулот қийматининг __ фоизини олдиндан тўлаши, қолган тўловни маҳсулотни қабул қилиб олган кундан бошлаб __ кун ичида амалга ошириши керак бўлган.

Қарздор томонидан __ йилда олинган маҳсулот учун қисман, яъни __ сўм тўлов амалга оширилган. Қолган __ сўм эса асоссиз равишда тўламасдан келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда ФК деб юритилади) 437-моддасига кўра маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки муд-

датларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тadbиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, oilaвий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини oлади.

ФКнинг 449-моддасига кўра сотиб олувчи etказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган ҳолда тўлайди. Агар тарафлар келишувида ҳисоб-китоблар тартиби ва шакли белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари билан амалга оширилади.

Тарафлар ўртасида ____ йил ҳолатига икки томонлама солиштирма дaлолатнома имзоланиб, қарздор томонидан ____ сўм қарздорлик тан oлинган. Шунга кўра, қарздорнинг кредитордан ____ сўм асосий қарздорлиги мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 35-моддасининг 3-бандига кўра, ҳужжатлар асосида тан oлинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб билдирилган бўлса судья томонидан суд буйруғи берилади.

Қарздорга асосий қарзни тўлаши ҳақида ____ йилда ____ -сонли талабнома юборилган бўлсада, қарздор томонидан талабномага жавоб берилмаган ва тўлов амалга оширилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 136, 138, 143- моддаларига асосан суддан қарздор “Global Biznes” МЧЖ ҳисобидан кредитор “Asia Invest” МЧЖ фойдасига ____ сўм асосий қарз ҳамда олдиндан тўланган ____ сўм давлат божи ва ____ сўм почта харажатини ундириш тўғрисида суд буйруғи бeришингизни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

1. Суд буйруғи бeриш тўғрисидаги аризининг кўчирма нусхаси қарздорга топширилганлиги ҳақидаги маълумот;
2. Давлат божи ва почта харажати тўланганлиги тўғрисида маълумот;
3. Шартнома ва ҳисоб-фактура нусхаси;
4. Тарафлар ўртасида имзоланган солиштирма дaлолатнома нусхаси.

“Осиё Инвест” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

К.Ботиров

йил/ой/кун

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Кредитор: “Сифатли бетон” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Қарздор: “Таъминотчи” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

АРИЗА

(Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ва
кузатув таомилини жорий этиш ҳақида)

Кредитор “Сифатли бетон” МЧЖ ва қарздор “Таъминотчи” МЧЖ ўртасида __ йилда __-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Шартноманинг 2.1-бандига кўра маҳсулот етказиб берувчи- кредитор жавобгарга жами __ сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, сотиб олувчи-қарздор эса маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур шартнома асосида кредитор __ йилдаги __-сонли хисоб-фактурага асосан қарздорга _____ сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра сотиб олувчи шартнома имзоланган санадан бошлаб, __ кун ичида маҳсулот қийматининг __ фоизини олдиндан тўлаши, қолган тўловни маҳсулотни қабул қилиб олган кундан бошлаб __ кун ичида амалга ошириши керак бўлган.

Бироқ, қарздор томонидан тўловлар амалга оширилмаганлиги сабабли кредитор томонидан иқтисодий судга мурожаат қилиниб, қарздордан __ сўм асосий қарз ва __ сўм пеня ундириш сўралган.

_____ туманлараро иқтисодий судида кўрилган __-сонли иқтисодий иш бўйича чиқарилган __ йилдаги __-сонли ҳал қилув қарорига кўра жавобгар “Таъминотчи” МЧЖ ҳисобидан “Сифатли бетон” МЧЖ фойдасига __ сўм асосий қарз, __ сўм пеня, __ сўм давлат божи ва __ сўм почта харажати ундирилган.

Мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, 20 __ йил __ июлда ижро варақаси ижро этиш учун Мажбурий ижро бюросининг __ туман бўлимига тақдим қилинган.

Давлат ижрочиси томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилаётганлиги қарамасдан қарздор қарз суммасини тўламасдан келмоқда.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги тўловга қобилиятсизлик аломати ҳисобланади.

Қонуннинг 7-моддасига кўра кредитор қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ушбу ҳолатда, қарздорнинг қарздорлиги юзага келган санадан бошлаб, ____ ой муддат ўтганлиги ва қарздор қарз суммасини тўламасдан келаётганлиги сабабли унинг тўловга қобилиятсизлиги аломати мавжуд ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 7, 41, 43-моддалари ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 25, 27- моддаларига асосан суддан қарздор “Таъминотчи” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатишни ва кузатув таомилини жорий этишингизни;

қарздор “Таъминотчи” масъулияти чекланган жамияти муваққат бошқарувчиси лавозимига Давлат активларини бошқариш агентлиги ____ ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлардан бирини тайинлашингизни сўрайман.

Илова қилинган ҳужжатлар:

1. Давлат божси ва почта харажати тўланганлиги тўғрисида маълумот;
2. Аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга топширилганлиги ҳақидаги маълумот;
3. Ариза талабини асословчи ҳужжатлар;
4. Кредиторнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;
5. Кредитор вакилига берилган ____ йилдаги ____-сонли ишончнома.

“Осиё Инвест” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

К.Ботиров

йил/ой/кун

3-ИЛОВА

Намуна

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Ферон” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

И Л Т И М О С Н О М А

(Далилларни талаб қилиб олиш тўғрисида)

“Ферон” МЧЖ томонидан судга қарз ҳамда пеня ундириш тўғрисида-
ги даъво аризаси киритилган.

Тарафлар ўртасидаги низо __ йилдаги __-сонли маҳсулот етказиб бе-
риш шартномасидан келиб чиққан.

Мазкур шартнома даъвогар томонидан 2 нусхада имзоланиб, имзолаш
учун __ йилда шахсан жавобгар жамият раҳбари _____га топширилган.

Бироқ, жавобгар турли асоссиз сабаблар билан шартноманинг имзо-
ланган нусхасини бермасдан келмоқда.

Шунга кўра, жавобгардан __йилдаги __-сонли маҳсулот етказиб бе-
риш шартномасининг имзоланган нусхасини талаб қилиб олиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисо-
дий процессуал кодексининг 69-моддасига асосланиб,

“Дунё” МЧЖдан __ йилдаги __-сонли маҳсулот етказиб бериш шарт-
номасининг аслини талаб қилиб олиш ва ишга қўшишни сўрайман.

Илтимосномага илова қилинаётган ҳужжатлар:

1. Шартноманинг бир томонлама имзоланган нусхаси – 2 varaқда;
2. Жавобгарга юборилган __ йилдаги хат нусхаси – 1 varaқда;

“Ферон” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

У.Лукмонов

йил/ой/кун

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Фаровон” МЧЖ
Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами

А Р И З А

(Даъвони таъминлаш тўғрисида)

___ туманлараро иқтисодий суди иш юритувида даъвогар “Фаровон” МЧЖ-нинг жавобгар “Оқтош” МЧЖ ҳисобидан қарз ҳамда пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий иш мавжуд.

Мазкур даъво аризаси кўриб чиқилгунига қадар, жавобгар томонидан унга тегишли бўлган мол-мулк бегоналаштирилиши мумкин. Чунки, жавобгарга тегишли бўлган ___ манзилидаги ягона бино-иншооти сотувга қўйилганлиги маълум бўлиб қолди. Агар ушбу бино сотилса келгусида суд хужжатини ижроси таъминланмаслиги ёки қийинлашиши мумкин.

Шунга кўра, юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 93-94-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Сиздан жавобгар “Оқтош” МЧЖнинг даъво суммасига тенг мол-мулки ёки пул маблағларини хатлаб қўйишингизни сўрайман.

“Фаровон” МЧЖ раҳбари

(имзо, муҳр)

К.Камалов

йил/ой/кун

Намуна

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Жавобгар “Оқтош” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

ИЛТИМОСНОМА

(суд муҳокамасини бошқа кунга қолдириш тўғрисида)

_____ туманлараро иқтисодий суди иш юритувида даъвогар “Фаровон” МЧЖнинг жавобгар “Оқтош” МЧЖ ҳисобидан қарз ҳамда пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан юририлаётган иқтисодий иш мавжуд.

Суд томонидан ишни очиқ суд мажлисида кўриш _____ йил _____ кунни соат _____ га тайинланган.

Даъвогар томонидан жавобгарга даъво аризасидан бошқа ҳужжатлар юборилмаганлиги сабабли даъвогарнинг даъво талаби бўйича ўз эътирозларимизни билдириш учун иқтисодий иш ҳужжатлари билан танишиш зарур деб ҳисоблайман. Шундан сўнг даъво талаблари юзасидан асослан-тирилган фикр-мулоҳазаларимизни тақдим этишимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 171-моддасига асосланиб,

_____ йил _____ кунни соат _____ га тайинланган суд муҳокамасини бошқа кунга қолдиришингизни сўрайман.

“Оқтош” МЧЖ директори

(имзо, муҳр)

Ж.Вахидов

йил/ой/кун

Намуна

_____ туманлараро (туман)
иқтисодий судига

Даъвогар: “Фаровон” МЧЖ
*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

И Л Т И М О С Н О М А

(суд қурилиш экспертизасини тайинлаш ҳақида)

_____ туманлараро иқтисодий суди иш юритувида даъвогар “Фаровон” МЧЖнинг жавобгар “Оқтош” МЧЖ ҳисобидан қарз ҳамда пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий иш мавжуд.

Ушбу низо тарафлар ўртасида тузилган __ йилдаги __ -сонли қурилиш пудрат шартномасидан келиб чиққан.

Иқтисодий ишга далил сифатида тақдим этилган ҳужжатлар, жавобгар жамият раҳбари томонидан __ йилдаги __ -сонли пудрат шартномаси ва __ йилдаги __ -сонли қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзоланмаган.

Ушбу ҳолатда бажарилган ишларнинг ҳажми ва унинг қийматини аниқлаш, шунингдек даъво талабларимизни исботлаш учун эса экспертиза тайинлаш зарурияти мавжуд.

Шунга қўра, Сиздан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 80-моддасига асосан, мазкур иқтисодий иш бўйича __ йилдаги __ -сонли пудрат шартномаси ва __ йилдаги __ -сонли қабул қилиш-топшириш далолатномасида бажарилганлиги ҳолатига аниқлик киритиш мақсадида суд-қурилиш экспертизаси тайинлашингизни, экспертизани ўтказишни Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига тайинлашингизни, экспертиза билан боғлиқ харажатларни тўлаш-ни жавобгар зиммасига юклашингизни сўрайман.

“Фаровон” МЧЖ директори

(имзо, муҳр)

К.Камалов

йил/ой/кун

4-ИЛОВА

Намуна

____ вилоят судининг
иқтисодий судлов ҳайъатига

Даъвогар: “АРС” МЧЖ

Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами

Жавобгар: ____ туман ҳокимлиги

Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

(____ -сонли ҳал қилув қарори устидан)

Даъвогар “АРС” МЧЖ ____ туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб жавобгар ____ туман ҳокимлиги ҳисобидан ____ сўм етказилган зарар (компенсация) суммасини ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Суднинг ____ йилдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси тўлиқ рад этилган.

“АРС” МЧЖ куйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилиш лозим деб ҳисоблайди:

(Ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асослар ва қонун нормалари баён этилиши лозим).

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 69, 278, 279-моддаларига мувофиқ

СЎРАЙМИЗ

1. Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилишни.
2. ____ туманлараро иқтисодий судининг ____ йилдаги ____ -сонли ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни.
3. Суд харажатларини жавобгардан ундиришни.

Илова:

1. Апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи почта хабарномаси;
2. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қвитанцияси;
3. Вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ____ йилдаги ____ -сонли ишончнома ва ____ -сонли ордер.

“АРС” МЧЖнинг ишончли вакили

С.Қодиоров

йил/ой/кун

Намуна

_____ вилоят судининг
иқтисодий судлов ҳайъатига

Даъвогар: “ЛАС” МЧЖ

Жойлашган манзили,

Банк реквизитлари,

Эл. почта, телефон рақами

Жавобгар: _____ шаҳар ДСИ

Жойлашган манзили,

Банк реквизитлари,

Эл. почта, телефон рақами

А П Е Л Л Я Ц И Я Ш И К О Я Т И

(_____ -сонли ҳал қилув қарори устидан)

Аризачи _____ туман ДСИ _____ туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб жавобгар “ЛАС” МЧЖ томонидан январь-март ойлари учун белгиланган солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаганлиги сабабли ваколатли банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суднинг _____ йилдаги _____ -сонли ҳал қилув қарори билан _____ туман ДСИнинг аризаси қаноатлантирилган.

“ЛАС” МЧЖ қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиб, аризачининг талабларини тўлиқ рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилиш лозим деб ҳисоблайди:

(Ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асослар ва қонун нормалари баён этилиши лозим).

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 69, 278, 279-моддаларига мувофиқ

СЎРАЙМИЗ:

1. Апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилишни;
2. _____ туманлараро иқтисодий судининг _____ йилдаги _____ -сонли ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиб, ариза талабларини рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни.

Илова:

1. Апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи почта хабарномаси;
2. Суд харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қитанцияси;
3. Апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисида _____ йилдаги _____ -сонли илтимоснома.

“ЛАС” МЧЖ директори

Д.Туманов

йил/ой/кун

_____ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИГА

И Л Т И М О С Н О М А

(Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақида)

Даъвогар “МЕРС” МЧЖ _____ туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб жавобгар “ТУН” МЧЖдан _____ сўм асосий қарз ва _____ сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг _____ йилдаги _____ -сонли ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар “ТУН” МЧЖдан даъвогар “МЕРС” МЧЖ фойдасига _____ сўм асосий қарз ва _____ сўм пеня ҳамда _____ сўм суд харажатлари ундирилган.

Бироқ, ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд бизнинг иштирокимизни таъминламасдан, бизнинг ҳуқуқларимиз ва қонуний манфаатларимизга даҳл қилувчи қарор қабул қилган. Ҳал қилув қарори _____ йилда қабул қилинган бўлса-да, биз бу ҳақда 3 ойдан сўнг хабар топдик.

Шунга кўра, _____ туманлараро иқтисодий судининг _____ йилдаги _____ -сонли ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисида апелляция шикояти билан мурожаат қилдик.

Лекин апелляция шикоятини тақдим этиш муддати ўтказиб юборилган, процессуал қонунчиликка асосан апелляция шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин бизга берилганлиги сабабли юқоридаги ҳолатни узрли деб топишингизни сўраймиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан апелляция шикоятини тақдим этиш муддатини тиклаган ҳолда иш юритувга қабул қилишингизни илтимос қиламиз.

Илова: ҳал қилув қарори бизга кеч юборилганлигини тасдиқловчи почта хабарномаси нусхаси – 1 варақда.

“МЕРС” МЧЖ директори

С.Жўраев

йил/ой/кун

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Иқтисодий судлов хайъатига**

Даъвогар: “БАРС” ХКдан

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
Эл. почта, телефон рақами*

Жавобгар: “ДОК” МЧЖ

*Жойлашган манзили,
Банк реквизитлари,
